

METHODOLOGY OF DEVELOPING CAPACITY OF STUDENTS IN PHYSICS

Ibragimov Nordir Shapulatovich

Senior Lecturer, Department of Algebra and Geometry, Termez State University, PhD in Pedagogy

Rakhmonov Ikrom Abdulkarimovich

Lecturer at the Department of General Physics, Termez State University

Preschool education institutions are also concerned with the issues of modern scientific and technical science and education, the education of students, the provision of quality education, the first lessons in the development of young people in all respects, the proper development of children's worldview. Great attention is paid in our country to the creation of social, psychological, pedagogical and methodological conditions for the development of student abilities.

ФИЗИКА ДАРСЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ҚОБИЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИ

Ибрагимов Нордир Шапулатович

Термиз давлат университети «Алгебра ва геометрия» кафедраси катта ўқитувчиси педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори PhD

Рахмонов Икром Абдукаримович

Термиз давлат университети «Умумий физика» кафедраси ўқитувчиси

Замонавий илмий-техникавий илм ва билимга, тушунчага эга ўқувчиларни тарбиялаш, сифатли таълимни таъминлаш, ёшларни ҳар жихатдан баркамол қилиб вояга етказишнинг илк сабокларини бериш, болаларнинг дунёқарашини тўғри ривожлантириш масаласи мактабгача таълим муассасалари ҳамда мактаблар зиммасига юклатилган. Мамлакатимизда ўқувчи қобилиятларини ривожлантириш учун ижтимоий, психологик, педагогик ва методик шарт-шароитларни яратишга катта эътибор қаратилмоқда. Чунки мамлакатимизнинг интеллектуал, ижодий ва маънавий салоҳиятини тиклашда ёшларнинг математик тайёргарлиги алоҳида ахамият касб этади, бу нафақат математик билим, кўнишка ва малакаларнинг шаклланишини, балки ўқувчиларнинг математик қобилиятларини ривожлантиришни назарда тутади. Ўқувчиларда қобилиятларни ривожлантириш, шахснинг ҳиссий, иродалилик жихатларини, шунингдек, характерни ривожлантириш муаммолари фаолиятнинг турли кўринишларига қизиқиши ривожлантириш муаммолари билан чамбарчас боғлиқ.

Ҳар қандай фаолият инсондан бир қобилият эмас, балки бир-бирига боғлиқ бўлган бир нечта қобилият бўлишини талаб қиласди. Психологияга оид адабиётларда бирон-бир хусусий қобилиятнинг етишмаслиги ёки суст ривожланиши бошқа кучли ривожланаётган қобилиятлар хисобидан қопланиши мумкин. Қобилиятларнинг бундай қопланиш хусусияти турли фаолият турларини эгаллаш, касб танлаш учун кенг имкониятлар яратади.

Бугунги кунда қобилиятли ўқувчиларнинг фикрлаш тушунчасининг аниқ таърифининг ҳалигача ишлаб чиқилмаганлиги муаммога диалектик нуқтаи назардан ёндашувни талаб қиласди.

Фикрлаш – шахс билиш фаолияти жараёни бўлиб, воқеликни бевосита ва умумлашган ҳолда акс этириш билан характерланади. Фикрлаш фанлараро тадқиқотларни, комплекс фанларни ўзида мужассамлаштиради.

Физика курсини айрим мавзулари бўйича масалалар ечишни машқ масалалари ечишдан бошлаган маъкул. Шундан кейин ходисани характерлайдиган катталик ва тушунчалар орасидаги боғланишлар сони ортиб борадиган, кетма-кет танланадиган мураккаброк хисоблаш, экспериментал ва бошка масалалар келади. Техник мазмундаги комбинатсияланган мураккаброк, тўлик маълумотларга эга бўлмаган масалалар маълум мавзу бўйича танланган масалалар системасининг якунлари бўлиши мумкин.

Физика фани орқали ҳам ўқувчиларнинг қобилиятларини ривожлантириш мумкин. Бунда масалалар танлашга кўрсатилган дидактик талабдан ташкари хар бир масалани танлашда ўқитувчи мўлжаллаган максадни амалга ошириши муҳим ахамиятга эга. Ҳар кандай танланган масала ўқувчилар қобилияти билимини оширишга қандайдир хиссасини қўшиши, катталиклар орасидаги боғланишни тушунишни чуқурлаштириши, тушунчаларни аниклаштириши ва уларнинг бошка кўринишлардаги машғулотларда етарлича аникланилмаган ва чуқурлаштирилмаган кандайдир янги белгиларни очиб бериши, олинган билимларни амалда кўллашга ўргатиши лозим. Масалани ечиш методлари, масаланинг содда ёки мураккаблигига, ўқитувчининг кўйган максадига, ўқувчиларнинг билим даражасига ва бошка талай сабабларга боғлик.

Ўқувчиларни физикадан масалалар ечиш методикасига ўргатишининг айрим асосий талабларини кўрсатиб ўтамиз. Физика курсининг барча бўлимларига тегишли бўлган масалаларни ечишнинг умумий томонлари бор, шу билан бирга хар бир бош мавзуларга тегишли масалаларни ечиш методикасининг ўзига хос томонлари мавжуд. Даствлаб ўқувчиларнинг қобилиятларини шакллантириш учун қўйида масалалар ечишнинг умумий томонлари хакида тўхтalamиз.

1-масала. (6-синфга мўлжсалланган масалалар). Ўқувчига масалани танлашда унинг даствлаб қобилият параметрларини очиб берувчи масалалар бўлиши лозим. Мисол учун қўйидаги масалалар.

1. Кўйидаги ҳодисалардан қайсилари ёруғлик ҳодисаларига киради?

а) метроа поезд ҳаракатланмоҳда; б) электр плитасида овқат пиширмоқда; в) сойнинг шовуллаши эшитилмоқда; г) электр лампочкаси ёниб турибди; д) осмонда бургутнинг айланиши кузатилмоқда; е) телевизорда кино кўрсатилмоқда; ж) адирда қор эримоқда.

Ечиш. г) электр лампочкаси ёниб турибди; д) осмонда бургутнинг айланиши кузатилмоқда;

Физика фанини ўқитишида назарий билимларни мустахкамлаш лозим бўлади. Даствлаб, ўқувчига назарий саволлар бериб, унинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражаси текшириб олган мақул. Шунда юқоридаги мақсадларга эришиш осон кечади. Ўқувчиларнинг қобилиятларини аниклашда эса, биз қайси бири устунлигига қараб масалаларни танладик.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Разумовский В.Г. Творческих способностей учащихся в процесс обучения физика. Москва: Просвещение, 1975. - 272 с.
2. Турдиев Н.Ш. Физика 6-синф учун дарслик. «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи. – Тошкент, 2017.– 176 б.
3. Ибрагимов Н.Ш. Ўқувчиларнинг математик қобилиятларини маҳсус масалалар ечиш орқали ривожлантиришда методикаси// Халқ таълими. -2019. – 4-сон. –В. 33-40.